

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ
МУҲИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

Ширинова Феруза Атхамовна,

Ўзбекистон Халқаро Ислон Академияси

“Чет тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

feruzashirinova12@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ижтимоий-гуманитар фанлардаги нофилологик олий таълим йўналиши талабаларининг инглиз тили фанидан мустақил ишлашларини ривожлантиришда рақамли таълим муҳитининг роли ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида педагогик-дидактик лойиҳалаш технологиясини такомиллаштирилгани ҳақида ёритилди. Шу билан бирга таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш ва сифат даражасини оширишнинг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиши кадрлар савиясини ошириш, таълим тизимига янги илмий ғоялар, замонавий ёндашувлар ва услубларни экспериментал жорий этиш ва улардаги муаммоларни бартараф этиш акс эттирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: рақамли таълим, мустақил ўқув-билув фаолият, педагогик-дидактик лойиҳалаш, касбий-соҳавий контент, рақамли иқтисодиёт.

Аннотация. В данной статье освещено совершенствование технологии педагогического и дидактического проектирования с целью эффективного использования инструмента цифрового образования в развитии самостоятельной учебной деятельности студентов по предметам английского языка нефилологического вуза по социальным и гуманитарным наукам. При этом одна из приоритетных задач реформирования системы образования, ее совершенствования и повышения уровня качества находит свое отражение в повышении уровня кадров,

экспериментальном внедрении в систему образования новых научных идей, современных подходов и методов, устранение своих проблем.

Ключевые слова и понятия: цифровое образование, самостоятельная учебная деятельность, педагогико-дидактическое проектирование, профессиональный контент, цифровая экономика.

Annotation.In this article, the role of digital education in the development of independent work of students of non-philological higher education in socio-humanities and the improvement of pedagogical and didactic design technology for the purpose of its effective use was highlighted. At the same time, one of the priority tasks of reforming the educational system, improving it and increasing the quality level is reflected in the improvement of personnel level, the experimental introduction of new scientific ideas, modern approaches and methods to the educational system, and the elimination of their problems.

Key words and concepts: digital education, independent educational activity, pedagogical and didactic design, professional content, digital economy.

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш ва сифат даражасини оширишнинг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиши кадрлар савиясини ошириш, таълим тизимида янги илмий ғоялар, замонавий ёндашувлар ва услубларни экспериментал жорий этиш учун мураккаблик даражаси юқори бўлган, чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитишни йўлга қўйиш, ўзгариб бораётган меҳнат бозори талабига мос мутахассисларни тайёрлаш, инновацион рақамли иқтисодиётда фаол иштирок этадиган ва ўз турмуш даражасини, аҳоли фаровонлигини таъминлай оладиган ижтимоий кўникмага эга бўлган малакали етук инсон даражасига етказишни тақозо этмоқда. Бугунги реал вазият бизни ривожланган мамлакатлар йўлидан боришимиз ва уларга тезроқ етиб олишимизга ундаяпти. Бу таълим соҳасида айнан электрон ахборот тизимини фаоллаштиришни, жаҳоннинг етакчи таълим муассасаларининг

тажрибаларидан фойдаланиб, илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллашни тақозо қилади. Демак, жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб бориш бугунги кунда нафақат эҳтиёж, балки заруратга айланди.

Рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) - бу рақамли коммуникациялар, информацион технологиялар ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт бўлиб, унда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар устувор аҳамиятга эга, илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқларнинг раванқ топиши кўзда тутилади. Ушбу атама дастлаб 1995 йилда Массачусет университетининг информатика соҳаси мутахассиси Николас Негропonte томонидан “атомлар ҳаракатидан битлар ҳаракатига ўтиш метафораси” мазмунида қўллаган эди. Бугунги кунда ушбу атама бутун дунёда сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, бизнесменлар фаолиятида ҳам қўлланмоқда [1]. Рақамли иқтисодиётнинг таълим соҳасига кириб келиши ўз-ўзидан рақамли таълим нима, у нима учун кераклиги ва у қандай амалга оширилади деган саволларни ўртага қўйди. Рақамли таълим – XXI аср талаби бўлиб, ўтган асрлардан мослашиб келганимиз анъанавий таълимдаги китоб, қоғоз-қаламдан янги асрнинг рақамли технологиялари ва сунъий интеллект кабиларга ўтишни англатади. Анъанавий ҳисобланган қоғоз ва қаламларимизни ўрнини бугунги кунда ақлли технологиялар қаторига кирувчи smart телефонлар, планшетлар, турли ҳажмдаги компьютерлар эгаллади ва таълимни рақамлаштириш замон талабига айланди. Замонавий ёшлар бугунги кунда ўз ҳаётини ушбу техника воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Таълимни рақамлаштиришнинг мақсади ҳам глобал оламдаги тезкор ўзгаришлар, жадал ўсиб бораётган инновациялар оқими билан мослашиб суза оладиган, интеллектул (ақлий қобилияти) юқори бўлган билимли ёшларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Масофавий таълим таълим масканларига қатнаш ҳаражатларини ва вақтни тежайди, бу вақт ичида талабалар бошқа манбалардан қўшимча янги билимларни ўзлаштириш имконига эга

бўлдилар ва барча ўқув манбаларидан интернет орқали фойдаланиш ва ҳаммага бир-бири билан ёки ўқитувчи билан мулоқотга кириш учун шарт-шароит яратиб беради. Масофадан туриб педагог билан қилинган мулоқот одатда педагог ва талабаларнинг ўрталарида содир бўлади, талабалар томонидан бажариб юборилган вазифалар натижалари фақат талабанинг шахсий кабинетига тушади. Айнан шу ҳолат талабалардаги тортинчоқликни ва кўпчилик олдида паст баҳоланиб қолишдан кўрқув ҳиссини енгишга ёдам беради. Бирор бир камчилик ёки педагог томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан талабанинг ўзигина хабардор бўлади, у ўзи устида янада кўпроқ ишлаб, камчиликларини йўқотиш учун шарт-шароит яратилади. Масофавий таълимнинг ўзига ҳос тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тамойиллар ўз ичига қатор мақсадли вазифаларни ҳам юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълимнинг самарадорлиги ўқув материалларининг тўғри тақдим этилишига ҳам боғлиқ бўлиб, бироқ бугунги кунгача масофавий таълим технологиялари ёрдамида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишни педагогик-дидактик лойиҳалаш масаласи назарий жиҳатдан ҳам етарлича асосланмаганлиги, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанларга йўналтирилган нофилологик таълим йўналишларда талабаларнинг соҳавий чет тилидан мустақил ишларини рақамли таълим муҳитида самарали бошқариш, уларни қабул қилиш ва баҳолаш шакллари ишлаб чиқиш давр талабига айланиб бормоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жумаев Н. Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради. // Ж. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар. – Т., 2020.–№2. – Б. 76-79.
2. Исломов А.А. Рақамли иқтисодиётда таълим тизимининг ўрни / Ж. Олий таълим:Муаммо ва ечимлари.– Т., 2020.– №1. – Б. 99.
3. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2015.– Б.179.
4. Bayne S., Ross J. The pedagogy of the Massive Open online Course. // J. The Higher education academy.– UK., 2013. – №9. – P. 238
5. Гозман Л.Я., Шестопап Е.Б. Дистанционное обучения на пороге XXI века. / Монография.,– Россия.,1999.
6. Худайбердиева О. К. ИННОВАЦИИ И НАУЧНЫЙ ПРОГРЕСС–ФУНДАМЕНТ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ //ББК 65.0501 А 43. – 2022. – С. 331.

7. Qurbonovna, Xudoyberdiyeva Oysha. "TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY MADANIYATNING O'RNI." Научный Фокус 1.8 (2023): 1024-1027.
8. Худайбердиева О. К. ЭКОНОМИЧЕСКИЕ РЕФОРМЫ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ И РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ. – 2021. – С. 216-220.
9. Ochilov S. B., Tagaev A. N., Khudayberdieva O. K. Other ways to build correlation models //International Journal of Human Computing Studies. – 1935. – Т. 3. – №. 4. – С. 1-5.
10. Ochilov S. B., Khasanova G. D., Khudayberdieva O. K. Method for constructing correlation dependences for functions of many variables used finite differences //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 05. – С. 46-52.
11. Ochilov S. B. O. S. B., Khudayberdieva O. K., Mehriniso K. DIFFERENTIAL METHOD FOR FORECASTING LABOR RESOURCES BASED ON CORRELATION MODELS //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2023. – Т. 5. – №. 04. – С. 21-27.
12. Худайбердиева О. Формирование цифровой экономики в Узбекистане //in Library. – 2021. – Т. 21. – №. 4. – С. 431-433.
13. Худайбердиева О. К. ТЕНДЕНЦИИ СТРЕМИТЕЛЬНОГО РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ: ПОТЕНЦИАЛ НАУКИ, БИЗНЕСА, ОБРАЗОВАНИЯ. – 2021. – С. 102-113.
14. Очиллов СБОСБ, Худайбердиева О.К., Мехринисо К. ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЙ МЕТОД ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ОСНОВЕ КОРРЕЛЯЦИОННЫХ МОДЕЛЕЙ //Американский журнал социальных наук и инноваций в образовании. – 2023. – Т. 5. – №. 04. – С. 21-27.
15. Худайбердиева О., Баратович Ш., Хусенова М. Дифференциальный метод прогнозирования трудовых ресурсов на основе корреляционных моделей //in Library. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 21-27.
16. Курбановна, Худайбердиева Айша и Убайтова Мохитабон. «СОВРЕМЕННЫЕ КЛАСТЕРЫ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ ЯВЛЯЮТСЯ ЭФФЕКТИВНЫМ СРЕДСТВОМ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ». Новости образования: исследование XXI века 1.11 (2023): 177-185.